

**ЗООЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc 29.08.2017.В.52.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

РАХИМОВ МАТНАЗАР ШОМУРОТОВИЧ

**ШИМОЛИ-ШАРҚИЙ ЎЗБЕКИСТОН КОЛЛЕМБОЛАЛАР ТУРКУМИ
ФАУНАСИ, ТАРҚАЛИШ ҲУСУСИЯТЛАРИ ВА ЭКОЛОГИЯСИ**

03.00.06 - Зоология

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАН ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент - 2019

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)

Contents of dissertation abstract of doctor of science (DSc)

Рахимов Матназар Шомуротович Шимоли-шарқий Ўзбекистон коллемболалар туркуми фаунаси, тарқалиш хусусиятлари ва экологияси.....	3
Рахимов Матназар Шомуротович Фауна, особенности распространения и экология отряда коллембол северо-востока Узбекистана.....	27
Rakhimov Matnazar Shomurotovich The fauna, distribution features and ecology of the collembolans order of notheast Uzbekistan.....	49
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works.....	53

**ЗООЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc 29.08.2017.В.52.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

РАХИМОВ МАТНАЗАР ШОМУРОТОВИЧ

**ШИМОЛИ-ШАРҚИЙ ЎЗБЕКИСТОН КОЛЛЕМБОЛАЛАР ТУРКУМИ
ФАУНАСИ, ТАРҚАЛИШ ҲУСУСИЯТЛАРИ ВА ЭКОЛОГИЯСИ**

03.00.06 - Зоология

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАН ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент-2019

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.2.DSc/B96 рақам билан рўйхатга олинган

Диссертация Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифаси (www.zoology.uz) ҳамда «Ziynet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи: **Азимов Джалолиддин Азимович**
биология фанлари доктори, профессор, академик

Расмий оппонентлар: **Кимсанбоев Хўжамурод Ҳамракулович**
биология фанлари доктори, профессор

Иззатуллаев Зувайдулло Иззатуллаевич
биология фанлари доктори, профессор

Жуманов Муратбай Арепбевич
биология фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот: **Гулистон давлат университети**

Диссертация ҳимояси Зоология институти ва Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc 29.08.2017.В.52.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил « 27 » декабр соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100053, Тошкент шаҳри, Боғишамол кўчаси, 232^б-уй. Зоология институти мажлислар зали. Тел.: (+99871) 289-04-65, факс (+99871) 289-10-60, E-mail: zoology@academy.uz).

Диссертация билан Зоология институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (21 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100053, Тошкент шаҳри, Боғишамол кўчаси, 232^б-уй, Тел.: (+99871) 289-04-65.

Диссертация автореферати 2019 йил «14» декабр куни тарқатилди.
(2019 йил «14» декабр даги 22 рақамли реестр баённомаси)



[Signature]
Д.А. Азимов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, б.ф.д., профессор, академик

[Signature]
Г.С. Мирзаева
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
аъзоси котиби, б.ф.д., к.т.а илмий ходим

[Signature]
Э.Б. Шакарбоев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
кошидаги илмий семинар раиси,
б.ф.д., профессор

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда дунёда ўзлаштирилган майдонлар ҳажмининг тез суратларда ошиб бориши ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг интенсификацияси тупроқ унумдорлигини пасайишига сабаб бўлмоқда. Бу ўринда турли агроценозлар хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда, улардаги тупроқларни қайта тикланиши ва детоксикациясида алоҳида ўринга эга бўлган организмларнинг тарқалишини асослаш, тупроқ унумдорлигини оширишдаги ўрнини аниқлаш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

Жаҳонда тупроқ ҳосил бўлиш жараёнларида ва тупроқнинг унумдорлигини оширишда фаол қатнашадиган организмларнинг тур таркибини аниқлаш, биологик ва экологик хусусиятларини асослашга катта эътибор қаратилмоқда. Бу борада, жумладан, тупроқ организмларини идентификациялашнинг замонавий усуллари такомиллаштирилди, табиий экосистема ва агроценозларда уларнинг экологик хусусиятлари асосланди, тупроқ унумдорлигини оширувчи организмлар жамоаларининг шаклланиши аниқланди ва уларнинг биоиндикаторлик хусусиятлари ишлаб чиқаришга жорий этилди. Таъкидлаш лозимки, тупроқ организмлари ичида коллемболалар тупроқнинг гумус миқдорини оширишда жуда катта аҳамиятга эгаллиги билан ажралиб туради. Айниқса, коллемболаларнинг антропоген ҳудудларда экологик инқирозни аниқлашдаги индикаторлик хусусияти алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, интенсив қишлоқ хўжалиги юритилаётган майдонларда уларнинг экологик хусусиятларига қараб агрофитоценозлар ҳолатини баҳолаш тизимининг самарадорлигини ошириш мумкин. Шунга кўра, турли агроценозлар ва табиий экосистемалар тупроқларида учрайдиган коллемболалар турлар таркибини аниқлаш, уларнинг экологик классификациясини ишлаб чиқиш, морфо-физиологик адаптациясини асослаш ва биоиндикаторлик хусусиятини амалиётга жорий этиш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

Республикамизда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини модернизациялаш ва ишлаб чиқаришни кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилиб, мазкур йўналишда амалга оширилган дастурий чоратadbирлардан муайян натижалар келиб чиққан. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «... қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш»¹ вазифалари белгилаб берилган. Бу борада, жумладан, агроценозлар ва табиий экосистемалар тупроқларида учрайдиган коллемболаларнинг тур таркиби, биологик ва экологик хусусиятларини аниқлаш ҳамда тупроқ унумдорлигини оширишдаги ролини асослаш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 июндаги ПФ-5074-сон «Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 29 октябрдаги «Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тизимини тубдан

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ПФ-3932-сон Фармонига ўзгартишлар киритиш тўғрисида»ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Харакатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технология ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналишига мос равишда бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи². Коллемболаларнинг турлар хилма-хиллигини аниқлаш ва турли тупроқ-иқлим шароитларидаги тарқалишини асослашга йўналтирилган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида, жумладан, California State University (АҚШ), Institut für Pflanzenproduktion und Agrarökologie in den Tropen und Subtropen der Universität Hohenheim (Германия), Roehampton University (Лондон), Agricultural University of Iceland (Исландия), Institute of Soil Biology, Biology Centre CAS (Чехия), Polish Academy of Sciences (Польша), Royal Belgian Institute of Natural Sciences (Бельгия), Institut, Forestry and Game Management (Бельгия), РФА Эволюция ва экология муаммолари институти (Россия), РФА Зоология институти (Россия) ва Ўзбекистон Миллий университетида олиб борилмоқда.

Коллемболаларнинг замонавий таснифини тузиш, уларнинг тупроқ унумдорлигини оширишдаги ролини аниқлаш ва тупроқ экологик инқирозни аниқлашдаги ролини баҳолашга оид жаҳонда олиб борилган тадқиқотлар натижасида қатор, жумладан, қуйидаги натижалар олинган: коллемболалар замонавий систематикаси ишлаб чиқилган ва популяцияларининг тузилиши асосланган (California State University, АҚШ); тупроқ коллемболаларини идентификациялашнинг янги молекуляр услублари такомиллаштирилган (Institut für Pflanzenproduktion und Agrarökologie in den Tropen und Subtropen der Universität Hohenheim, Германия); коллемболаларнинг тупроқ қатламларидаги миграцияси аниқланган (Roehampton University, Лондон); коллемболаларнинг тоғ ўрмонларида тарқалиши ва кўнғир-қора тупроқлардаги биологик фаоллиги исботланган (Institute of Soil Biology, Biology Centre CAS, Чехия); тупроқда яшовчи коллемболалар жамоасининг шаклланиши очиб берилган (РФА Эволюция ва экология муаммолари институти, Россия).

Дунёда коллемболалар биохилма-хиллигини аниқлаш ва уларнинг яшаш муҳити шароитларига мослашиш йўллари асослаш бўйича қатор,

²Диссертациянинг мавзуси бўйича илмий тадқиқотлар шарҳи <http://www.works.doklad.ru>, <http://www.km.ru>, www.dissercat.com, researchget.com, <http://www.fundamental-research.ru>, www.webofscience.com ва бошқа манбалар асосида ишлаб чиқилган.

жумладан, қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: тупроқ коллемболаларини идентификациялашнинг замонавий усулларини такомиллаштириш; турли тупроқ-иқлим шароитларида тарқалган коллемболаларнинг биологик фаоллигини аниқлаш; коллемболаларнинг гумус ҳосил қилиш жараёнларидаги фаолиятини асослаш; коллемболалар жамоасининг биоиндикаторлик хусусиятларидан фойдаланишнинг янги ёндашувларни ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Коллемболалар идентификацияси учун янги молекуляр усулларни ишлаб чиқиш, улар миқдорини бошқаришнинг оқилона, экологик хавфсиз воситалари бўйича тадқиқот ишлари хорижлик олимлар: S.Hopkin (1997); H.Takeda (1987); B.Pratt; Z.Massoud (1982); S.Hagvar (1990); V.Wolters (1998); H.Petersen (2002); W.Dunger et al, (2002); M.Hasegawa, H.Takeda (1995); M.P.Berg (2002); F.Frati et al, (2002); C.Kampichler et al, (2002); H.A.Verhoef., de Goede R.G.M. (1985); G.Bengtsson, K.Hedlund, S.Rundgren (1993); J.H.Faber (1991); M.J. Timmermans et al. (2002) томонидан олиб борилган. МДХ мамлакатларида коллемболалар фаунаси, экологияси, тузилиши ва ривожланишига доир тадқиқотлар билан қатор олимлар - М.С.Гиляров (1982); Б.Р.Стриганова (1980); А.Б.Бабенко (1993); И.П.Балабина (1991); С.К.Стебаева (1999), Н.А.Кузнецова (2005); Л.С.Киричок ва бошқалар (2006); М.В.Таращук, Т.В.Горбань (2006) лар шуғулланганлар.

Бироқ юқоридаги адабиёт манбалари Ўзбекистоннинг шимоли-шарқий ҳудудларида тарқалган коллемболалар туркуми фаунаси, тарқалиш хусусиятлари ва экологияси бўйича тўлиқ маълумотлар бера олмайди. Шунга кўра, республикаміз шароитида коллемболаларнинг фаунистик комплексларини аниқлаш, уларнинг тупроқ қатламларида тарқалишини асослаш ва тупроқ ҳосил бўлиш жараёнларидаги фаоллигини исботлаш муҳим илмий ва амалий аҳамиятга эга.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Миллий университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг Ф-5.4-29 «Ҳар хил тупроқ типларида тупроқ умуртқасиз ҳайвонлари» (2003-2007) ҳамда Ф-5-30 «Ўзбекистон саноат ҳудудлари тупроқларини унумдорлигини оширишда тупроқ умуртқасиз ҳайвонларининг ролини комплекс ўрганиш» (2012-2016) мавзуларидаги фундаментал лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади шимоли-шарқий Ўзбекистон агроценозлари ва табиий экосистемалари тупроқ қатламларидаги коллемболаларнинг турлар хилма-хиллигини аниқлаш ва уларнинг тупроқ қатламларида тарқалиши ҳамда экологик хусусиятларини очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Шимоли-шарқий Ўзбекистон ҳудуди турли агроценозлар ва табиий экосистема тупроқлари таркибидаги коллемболаларнинг тур хилма-хиллигини ўрганиш, уларнинг фаунистик комплексларини аниқлаш;

Шимоли-шарқий Ўзбекистон ҳудудида коллемболалар турларини таксономик жиҳатдан таҳлил қилиш ва тавсифлаш;

Коллемболаларнинг агроценозлар ва табиий экосистема тупроқ қатламларида тарқалишини қиёсий таҳлил қилиш;

Йилнинг турли фаслларида коллемболалар турларининг хилма-хиллиги ва сонининг ўзгаришини аниқлаш;

Коллемболаларнинг гидрофил ва мезофил шароитларга мослашув хусусиятларини изохлаш;

Коллемболаларнинг тупроқ унумдорлигини оширишда ва диагностикасидаги ролини очиб бериш;

Коллемболалардан тупроқ ҳолатини баҳолаш мақсадида фойдаланиш бўйича материалларни жорий этиш.

Тадқиқот объекти Шимоли-шарқий Ўзбекистон агроценозлари ва табиий экосистема тупроқларида яшовчи сапрофаг коллемболалари ҳисобланади.

Тадқиқот предмети коллемболаларнинг турлар хилма-хиллиги, тарқалиш хусусиятлари ва экологияси ҳамда мавсумий динамикаси ҳисобланади.

Тадқиқот усуллари. Диссертацияда зоологик, энтомологик, биометрик, статистик ва қиёсий таҳлил услубларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор шимоли-шарқий Ўзбекистон шароитида коллемболалар туркуми турларининг хилма-хиллиги ва агроценозлар ҳамда табиий экосистема тупроқларида коллемболаларнинг фаунистик комплекслари аниқланган;

шимоли-шарқий Ўзбекистон агроценозлари ҳамда табиий экосистема тупроқларида коллемболаларнинг 8 оилага мансуб 49 тури, шулардан 40 тур Ўзбекистон фаунаси учун янги тур сифатида аниқланган;

сапрофаг коллемболаларнинг морфологик хусусиятлари очиб берилган;

агроценозлар ва табиий экосистемаларда коллемболаларнинг доминант турлари аниқланган;

коллемболалар турлар таркибининг мавсумий ўзгаришларининг хусусиятлари очиб берилган;

агроценозлар ва табиий экосистема тупроқларида коллемболаларнинг сифат ва миқдор кўрсаткичларининг мавсумий динамикаси асосланган;

турли биотоплар коллемболалар турлари ва миқдори қиёсий таҳлил қилинган, уларнинг ўхшаш ва фарқли томонлари очиб берилган;

шимоли-шарқий Ўзбекистон агроценозлари ва табиий экосистема тупроқларидаги коллемболалар жамоасининг гиперэдафон, эпизэдафон, гемиэдафон ва эуэдафон гуруҳларига хос бўлган морфологик ва экологик хусусиятлари аниқланган;

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Шимоли-шарқий Ўзбекистон агроценозлар ва табиий экосистема тупроқ қатламларидаги коллембола турларининг гумус ҳосил қилиш жараёнидаги иштироки очиб берилган;

коллемболалар ёрдамида тупроқ қатламларини ифлосланишини индикациялаш ҳамда турли экосистемалардаги тупроқларининг ҳолатини баҳолаш йўллари ишлаб чиқилган;

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган классик ва замонавий усулларнинг қўлланилганлиги ҳамда илмий ёндашувлар, таҳлиллар асосида олинган натижаларни назарий маълумотларга мос келиши, уларнинг етакчи илмий нашрларда чоп этилганлиги, илмий ҳамжамият томонидан давлат фундаментал лойиҳаларини бажариш давомида тан олинганлиги, олинган маълумотларни замонавий дастурлар асосида (Biostat 2007; Microsoft Office Excel, 2007; Microsoft, USA, Origin Pro В 9.4, 2014) статистик таҳлил қилинганлиги, амалий натижаларни ваколатли давлат ва халқаро ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги ҳамда амалиётга жорий этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Шимоли-шарқий Ўзбекистон агроценозлари ва табиий экосистема тупроқ қатламларидаги коллемболалар тур хилма-хиллигининг комплекс таҳлилининг амалга оширилганлиги, коллемболалар популяцияси миқдорининг таксономик, экологик ва анатомо-морфологик жиҳатдан баҳоланганлиги, коллемболаларнинг тарқалиш хусусиятлари очиб берилганлиги, коллемболаларнинг яшаш шароитлари бўйича экологик гуруҳларининг тавсифланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти Шимоли-шарқий Ўзбекистон агроценозлари ва табиий экосистема тупроқ қатламларида учрайдиган коллемболаларнинг тур таркиби инвентаризация қилинганлиги, олинган маълумотлар тупроқ қатламларида учрайдиган коллемболаларнинг хилма-хиллиги ҳақидаги маълумотларни кенгайтириши, коллемболалар тур таркиби, миқдори ва жамоаси структурасининг ўзгариши тупроқларнинг ифлосланишини мониторинг қилишда биоиндикаторлик аҳамияти ёритиб берилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Шимоли-шарқий Ўзбекистон коллемболалар туркуми фаунаси тарқалиш хусусиятлари ва экологияси юзасидан олинган илмий натижалар асосида:

коллемболаларнинг фаунаси, тарқалиш хусусиятлари ва экологиясига оид маълумотлар Тошкент вилояти Паркент ва Бекобод туманлари фермер хўжаликлари агроценозида атроф-муҳитнинг техноген ифлосланишини биоиндикация қилиш, экологик ҳолатни баҳолашда ҳамда коллемболаларнинг йиллик ва мавсумий кўпайишини башорат қилишда жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2019 йил 13 августдаги 02/025-1748-сон маълумотномаси). Натижада ушбу ҳудудларда агроценозлар ва табиий экосистема тупроқларининг коллемболалар туркуми биологик хилма-хиллигини мониторинг қилиш ва улардан самарали фойдаланиш тупроқлар ҳолатини баҳолаш имконини берган;

коллемболалар фаунаси, тарқалиши ва экологияси бўйича олинган натижалар Шимоли-шарқий Ўзбекистон ҳудудида коллемболалар туркумига мансуб умуртқасиз ҳайвонларни мониторинг қилишда фойдаланилган

(Ўзбекистон Республикаси Экология ва аτροφ-мухитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг 2019 йил 8 апрелдаги 03-03/1-1822-сон маълумотномаси). Натижада коллемболалар туркуми турларининг биологик хилма-хиллигини ва замонавий ҳолатини баҳолаш имконини берган;

49 тур коллемболаларнинг 13 та доминант тури Экология ва аτροφ-мухитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасида ҳудуднинг ҳолатини биоиндикация қилиш учун индикатор сифатида жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Экология ва аτροφ-мухитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг 2019 йил 8 апрелдаги 03-03/1-1822-сон маълумотномаси). Натижада ушбу ҳудудларда коллемболаларнинг доминант турлар барқарорлиги биоценозларнинг тузилиши ва функциясининг турғун кечаётганлигини билиш имконини берган;

шимолий-шарқий Ўзбекистон ҳудудида тарқалган коллембола туркумига мансуб 49 турнинг нусхалари, намуналари республикада етакчи бўлган “Зоология коллекцияси” ноёб объектига киритилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 2019 йил 11 июлдаги 4/1255-1936-сон маълумотномаси). Натижада ушбу коллекция намуналари коллембола - Collembola туркумининг тур таркибини аниқлаш, туркумининг морфо-биологик ва экологик хусусиятларини ва тупроқларни диагностика қилишдаги роли юзасидан маълумотлар таҳлил қилиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 11 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича 28 та илмий иш чоп этилган. Улардан 1 та монография, 12 та илмий мақола, жумладан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 10 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациясининг тузилиши ва ҳажми: Диссертация иши кириш, етти боб, хотима, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 200 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, мақсади ва вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган. Шунингдек, бу қисмда тадқиқотнинг республика илм-фан ва технологиясини ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган бўлиб, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган. Олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти, амалиётга тадбиқ этилиши очиб берилган. Бундан ташқари, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар очиб берилган.

Диссертациянинг «**Коллемболаларнинг (Collembola) морфологик, экологик хусусиятлари ва аҳамияти**» деб номланган биринчи бобида

бўғимоёқлилар (Arthropoda) типи, ҳашаротлар (Insecta) синфига мансуб коллемболалар - Collembola туркуми вакилларига тўлиқ тавсиф берилган. Турли хил ҳудудларда кенг тарқалган коллемболалар тур хилма-хиллиги, уларнинг тарқалиш қонуниятлари тадқиқ этилишига доир маълумотлар келтирилган.

Дунёнинг кўпчилик мамлакатларида тупроқ ҳосил бўлиш жараёнларида ва тупроқ унумдорлигини оширишда фаол иштирок этадиган коллемболаларнинг фаунаси, морфо-биологик хусусиятлари, таксономияси ва ўрганилиш тарихи ҳақидаги адабиёт маълумотлари келтирилган. Бундан ташқари коллемболаларнинг яшаш шароити, ўсимлик қолдиқларининг деструкциясига таъсири, уларнинг тупроқ ҳарорати ва намлигига мослашиши тўғрисида батафсил маълумотлар берилган.

Диссертациянинг «**Тадқиқот материаллари ва услублари**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқот материаллари йиғилган ва тажриба ўтказиш жойи ҳамда қўлланилган услублар ҳақида маълумотлар келтирилган.

Ишни бажаришда зоологик, энтомологик, биометрик, статистик ва киёсий таҳлил усулларидан фойдаланилган.

Диссертациянинг «**Коллемболалар-Collembola туркуми фаунаси ва таксономик таҳлили**» деб номланган учинчи бобида Шимоли-шарқий Ўзбекистон шароитида тарқалган коллемболаларнинг тур таркиби тўғрисида маълумотлар баён этилган ва ҳар бир турнинг тарқалиши, аниқланган жойи, муддати кўрсатилган. Шимоли-шарқий Ўзбекистоннинг агроценозлари ҳамда табиий экосистемалари 0-30 см тупроқ қатламларида коллемболаларнинг 49 та тури учраши аниқланган. Аниқланган турлар коллемболалар - Collembola туркумининг 4 та - Poduromorpha, Entomobryomorpha, Metaxupleona, Neelipleona кенжа туркумларига, 8 та - Hypogastruridae, Onychiuridae, Neanuridae, Odontellidae, Isotomidae, Entomobryidae, Poduridae, Neelidae оилаларига ва 47 та авлодларига мансублиги аниқланди (1-жадвал).

1-жадвал

Collembola туркумининг таксономик таркиби

№	Кенжа туркум	Оила	Турлар сони
1	Poduromorpha	Hypogastruridae	8
		Onychiuridae	8
		Neanuridae	6
		Odontellidae	2
2	Entomobryomorpha	Isotomidae	14
		Entomobryidae	7
3	Metaxupleona	Poduridae	1
4	Neelipleona	Neelidae	3
Жами	4	8	49

Коллемболалар туркумининг Poduromorpha кенжа туркуми Hurogastruridae оиласига - (8 та тур), Onychiuridae оиласига - (8 та тур), Neanuridae оиласига - (6 та тур), Odontellidae оиласига - (2 та тур), Entomobryomorpha кенжа туркуми Isotomidae оиласига - (14 та тур), Entomobryidae оиласига - (7 та тур), Metaxyleona кенжа туркуми Poduridae оиласига - (1 та тур), Neelipleona кенжа туркуми Neelidae оиласига - (3 та тур) хослиги келтирилган.

Тадқиқотлар натижасида Entomobryomorpha ва Poduromorpha кенжа туркумлари турларга бойлиги кузатилган. Коллемболалар турларининг хилма-хиллиги ушбу кенжа туркумларда 21 ва 24 тани ташкил қилиши аниқланди.

Диссертациянинг «Шимоли-шарқий Ўзбекистон агроценозлари ва табиий экосистемаларидаги коллемболалар тур таркиби ва жамоаси тузилиши, тупроқ қатламларида тарқалиши» деб номланган тўртинчи боби 2 бўлимдан иборат бўлиб, унда коллемболаларнинг беда, буғдой, ғўза, олмазор агроценозларидаги ва табиий экосистемалардаги тур таркиби, жамоалар структураси ва тарқалиш хусусиятлари тўғрисида маълумотлар баён этилган (2-жадвал).

2-жадвал

Кенжа туркум ва оилалар бўйича коллемболаларнинг тақсимланиши

Кенжа туркум, Оила	Агроценозлар: турлар сони, фоиз ҳисобида								Табиий ценозлар	
	Беда		Буғдой		Ғўза		Олмазор			
	N	S	N	S	N	S	N	S	N	S
Poduromorpha:	15	30,6	18	36,7	18	36,7	13	26,5	24	48,9
Hurogastruridae	2	4,1	6	12,2	5	10,2	3	6,1	8	16,3
Onychiuridae	7	14,3	4	8,2	5	10,2	6	12,2	8	16,3
Neanuridae	6	12,2	6	12,2	6	12,2	2	4,1	6	12,2
Odontellidae	-	-	2	4,1	2	4,1	2	4,1	2	4,1
Entomobryomorpha:	13	26,5	15	30,6	12	24,5	18	36,7	21	42,9
Isotomidae	11	22,4	12	24,5	11	22,4	11	22,4	14	28,6
Entomobryidae	2	4,1	3	6,1	1	2,1	7	14,3	7	14,3
Metaxyleona:	-	-	-	-	-	-	-	-	1	2,1
Poduridae	-	-	-	-	-	-	-	-	1	2,1
Neelipleona:	3	6,1	-	-	-	-	-	-	3	6,1
Neelidae	3	6,1	-	-	-	-	-	-	3	6,1
Жами турлар сони	31	63,2	33	67,3	30	61,2	31	63,2	49	100

Изоҳ: *N* -турлар сони, *S* -умумий турларга нисбатан фоиз ҳисобида

Ангрен - Олмалик ҳудудлари ва Бахмал тумани беда далалари тупроқ қатламларида жами 31 та турга, 30 та авлодга, 6 та оилага ва 3 та кенжа туркумга мансуб коллемболалар учраши аниқланди.

Ангрен - Олмалик ҳудудлари ва Бахмал тумани беда далалари тупроқ қатламларида аниқланган коллемболаларнинг Poduromorpha,

Entomobryomorpha кенжа туркумларининг Onychiuridae ва Isotomidae оилаларига мансуб вакиллари кўплаб учраши кузатилди.

Буғдой агроценозлари тупроқ қатламларидаги коллемболалар тур таркиби. Ангрэн-Олмалик саноат ҳудудларида, Паркент, Бекобод ва Пахтакор туманларида жойлашган буғдой далалари тупроқ қатламларида 2 та кенжа (Poduromorpha, Entomobryomorpha) туркумларига, 6 та (Hypogastruridae, Onychiuridae, Neanuridae, Odontellidae, Entomobryidae, Poduridae) оилаларига, 30 та (*Triacanthella*, *Schoettella*, *Hypogastrura*, *Willemia*, *Xenylla*, *Acherontiellina*, *Oligaphorura*, *Hymenaphorura*, *Paronychiurus*, *Neotullbergia*, *Brachystomella*, *Pseudachorutes*, *Ceratrimeria*, *Achorutes*, *Micranurida*, *Frisea*, *Odonitella*, *Xenyllodes*, *Pentacantella*, *Folsomina*, *Anurophorus*, *Isotomurus*, *Cruptypygus*, *Isotomiella*, *Isotomodella*, *Panchaetom*, *Isotoma*, *Desoria*, *Entomobroides*, *Drepanosira*) авлодларига ва 33 та турга мансуб коллемболалар учраши тадқиқ этилди.

Аниқланган 33 турга мансуб коллемболалардан Олмалик, Ангрэн ҳудудларида 25 тури (72%); Пахтакор тумани ҳудудларида 10 тури (30%); Паркент тумани ҳудудларида 19 тури (57%); ва Бекобод тумани ҳудудларида 20 тури (60%) учраши кузатилди.

Буғдой далалари тупроқ қатламларида Entomobryomorpha кенжа туркуми Isotomidae оиласига мансуб коллемболалар кўп учраши аниқланди.

Вза агроценозлари тупроқ қатламларидаги коллемболалар тур таркиби. Тошкент вилоятининг шарқий қисмида жойлашган Ангрэн-Олмалик ҳудудлари ғўза далалари тупроқ қатламларида 2 та кенжа (Poduromorpha, Entomobryomorpha) туркумга, 6 та (Hypogastruridae, Onychiuridae, Neanuridae, Odontellidae, Isotomidae, Entomobryidae) оиллага, 29 та (*Triacanthella*, *Willemia*, *Acherontiellina*, *Hymenaphorura*, *Oligaphorura*, *Protaphorura*, *Paronychiurus*, *Uralaphorura*, *Onychiurus*, *Brachystomella*, *Ceratrimeria*, *Odonitella*, *Xenyllodes*, *Pentacanthella*, *Anurophorus*, *Folsomina*, *Pseudanurophorus*, *Isotomodes*, *Cruptypygus*, *Isotomiella*, *Isotoma*, *Desoria*, *Seira*, *Entomobroides*, *Drepanosira*, *Corynothrix*, *Haloentombrya*, *Orchesella*, *Sinella*) авлодларига мансуб коллемболаларнинг 30 та тури учраши аниқланди.


Ушбу ҳудудларда жойлашган ғўза далалари тупроқларидан аниқланган турларнинг ўхшашлиги кузатилди. Entomobryomorpha кенжа туркуми Isotomidae оиласига мансуб коллемболалар 37% ни ташкил этиши кузатилди.

Олмазор агроценози тупроқ қатламларида коллемболаларнинг тур таркиби. Паркент ва Бекобод туманлари Олмазор далалари тупроқ қатламларида 2 та кенжа (Poduromorpha, Entomobryomorpha) туркумларга, 6 та (Hypogastruridae, Onychiuridae, Neanuridae, Odontellidae, Isotomidae, Entomobryidae) оилаларга, 29 та (*Triacanthella*, *Willemia*, *Acherontiellina*, *Hymenaphorura*, *Oligaphorura*, *Protaphorura*, *Paronychiurus*, *Uralaphorura*, *Onychiurus*, *Brachystomella*, *Ceratrimeria*, *Odonitella*, *Xenyllodes*, *Pentacanthella*, *Anurophorus*, *Folsomina*, *Pseudanurophorus*, *Isotomodes*, *Cruptypygus*, *Isotomiella*, *Isotoma*, *Desoria*, *Seira*, *Entomobroides*, *Drepanosira*,

Corynothrix, *Haloentomobrya*, *Orchesella*, *Sinella*) авлодларига мансуб коллемболаларнинг 31 та тури учраши аниқланди.

Аниқланган коллембола турларидан олмазор агроценозлари тупроқларининг 0-10 см қатламида 17 та тури, 20-30 см қатламида коллемболаларнинг 14 та тури учраши аниқланди. Ушбу коллембола турларининг барчаси олмазор агроценозлари тупроқларининг 10-20 см қатламларида тарқалганлиги аниқланди.

Аниқланган 31 турга мансуб коллемболалардан Entomobryomorpha кенжа туркуми Isotomidae оиласидаги коллемболалар (35%) ташкил этиши аниқланди. Демак, Ангрен-Олмалик саноат ҳудудлари, Паркент ва Бекобод туманларида жойлашган беда, буғдой, ғўза ва олмазор агроценозлари тупроқ қатламларидаги коллемболалар тур таркибини ўрганиш натижасида беда агроценози тупроқ қатламларида 31 та, буғдой агроценозларида 33 та, ғўза агроценозларида 30 та ва олмазор агроценозларида 31 та турга мансуб коллемболалар учраши кузатилди (1-расм).



1-расм. Коллемболалар жамоасининг агроценозлардаги турлар таркиби

Тадқиқот олиб борилган ҳудудлар агроценозларида коллемболалар жамоаларининг ўхшашлиги кўзга ташланади. Жамоалардаги турлар таркиби 30 ва 33 турларни ўз ичига олиши аниқланди. Бу эса, ушбу агроценозлардаги умумий экологик вазиятларнинг бир-бирига яқинлиги билан изоҳлаш имконини беради.

Коллемболаларнинг табиий экосистемалардаги тур таркиби, жамоалар структураси ва тарқалиш хусусиятлари. Ўзбекистоннинг шимоли-шарқида жойлашган Тошкент вилояти Ангрен-Олмалик ҳудуди, Паркент, Бекобод туманларининг табиий экосистемалари тупроқ қатламларининг 30 см гача бўлган қатламларида ҳамда Сирдарё вилояти Мирзаобод тумани кўлмак сувларидаги ва қувурлардаги тўпланиб қолган сувлардаги коллемболаларнинг тарқалиши аниқланди.

Илмий тадқиқотлар натижасида: Ангрен худудининг табиий экосистемалари тупроқ қатламларининг 30 см гача бўлган қатламларида 33, Олмалик худудида 30, Паркент туманида 41, Бекобод туманида 48, Сирдарё вилояти Мирзаобод тумани кўлмак сувларидаги ва қувурлардаги тўпланиб қолган сувларда 1 та турга мансуб коллемболаларнинг тарқалиши кузатилди.

Табиий экосистема тупроқларининг 10-20 см қатламларида 14 та, 20-30 см қатламларида 16 та, 0-10 см қатламларида коллемболаларнинг 3 та тури учраши кузатилди. Аниқланган коллембола турларидан Hypogastruridae оиласига - 5 тур, Onychiuridae - 5, Odontellidae - 6, Neanuridae - 2, Isotomidae - 14 тур мансублиги аниқланди.

Олмалик саноат худуди табиий экосистемалардаги коллемболаларнинг тур таркиби, жамоалар структураси ва тарқалиш хусусиятлари. Олмалик саноат худуди ОТМК дан Тошкент шаҳри йўналиши бўйлаб 1 км, 3 км, 5 км узокликда жойлашган табиий экосистема тупроқ қатламларида 2 та кенжа туркумга (Poduromorpha, Entomobryomorpha), 6 та (Hypogastruridae, Onychiuridae, Odontellidae, Neanuridae, Isotomidae, Entomobryidae) оилага, 29 та авлодга 30 та турга мансуб коллемболалар учраши кузатилди.

Аниқланган коллембола турлари табиий экосистема тупроқларининг 10-20 см қатламларида бошқа қатламларига нисбатан, ҳамда ОТМК дан 3 км ва 5 км масофада жойлашган табиий экосистема тупроқ қатламларида коллемболаларнинг тур сони кўплаб учраши маълум бўлди.


Паркент тумани табиий экосистемалардаги коллемболаларнинг тур таркиби, жамоалар структураси ва тарқалиш хусусиятлари. Туман табиий экосистема тупроқ қатламларида 2 та (Poduromorpha, Entomobryomorpha) кенжа туркумга, 6 та (Hypogastruridae, Onychiuridae, Neanuridae, Odontellidae, Isotomidae, Entomobryidae) оилага, 38 та авлодга ва 41 та турга, мансуб коллемболалар учраши ўрганилди.

Аниқланган 41 та тур коллемболалардан Onychiuridae, Isotomidae, Entomobryidae оилаларига мансуб турларининг доминантлиги аниқланди.

Бекобод тумани табиий экосистемалардаги коллемболаларнинг тур таркиби, жамоалар структураси ва тарқалиш хусусиятлари. Туманнинг табиий тупроқ қатламларида жами 48 та тур, 45 та авлод ва 7 оилага мансуб коллемболалар учраши кузатилди.

Коллемболаларнинг Poduromorpha кенжа туркуми Hypogastruridae-оиласига мансуб 8 та, Onychiuridae - 8 та, Neanuridae - 6 та, Odontellidae - 2 та; Entomobryomorpha кенжа туркуми Isotomidae - оиласига 14 та, Entomobryidae - 7 та, Neelipleona кенжа туркуми Neelidae - оиласига мансуб 3 та тур коллемболалар учраши аниқланди.

Тадқиқот натижаларига асосан коллемболалар жамоаси табиий экосистемаларда ҳам кенг тарқалганлигини кўрсатиш лозим (2-расм).



2-расм. Коллемболалар жамоасининг табиий экосистемаларда тарқалиши

Унга кўра жамоаларнинг структураси тадқиқот олиб борилган ҳудудларда: Олмалиқда - 30 тур, Ангренда - 33 тур, Паркентда - 41 тур ва Бекободда - 48 турдан ташкил топганлиги кузатилади. Ушбу кўрсаткич бўйича турларга бой ҳудуд сифатида Паркент 41 ва Бекобод 48 ни кўрсатиш мумкин. Турлар таркиби ва коллемболалар жамоасининг структуралари табиий иқлим шароитларга нақадар мослашганлигидан далолат беради.

Диссертациянинг «**Коллемболаларнинг мавсумий динамикаси**» деб номланган бешинчи боби 4 та бўлимдан иборат бўлиб, унда Тошкент вилояти Ангрен-Олмалиқ ҳудуди, Паркент ва Бекобод туманларининг беда, буғдой, ғўза, олмазор агроценозлари ва табиий экосистемалари тупроқ қатламларининг 30 см. гача бўлган қатламларида коллемболалар миқдорининг фасллар бўйича динамикаси ўрганилган (3-жадвал).

3-жадвал

**Коллемболаларнинг мавсумий динамикаси
(0-30 см тупроқ қатламлари, ўртача 1м² ҳисобида, экз.)**

Мавсумлар	Агроценозлар				Табиий ценозлар
	Беда	Буғдой	Ѓўза	Олмазор	
Қиш	2320	3150	1205	2550	4350
Баҳор	5200	7600	6100	6100	11150
Ёз	7550	4400	7020	5600	17500
Куз	5900	7375	5850	7300	7025
Жами	20970	22525	20175	21550	40025

Унга кўра қиш фаслида яъни декабр, феврал ойларида Ангрен ва Олмалик ҳудудлари агроценозлари ва табиий экосистемалари тупроқ қатламларида 1 м² да ўртача 1706 экз, Паркент ва Бекобод туманлари буғдой ва олмазор агроценозлари ҳамда табиий экосистемалари тупроқ қатламларида 1 м² да ўртача эса 8060 экз учраши аниқланди.

Қиш фаслида яъни декабр ва феврал ойларида буғдой, ғўза, беда агроценозлари ва табиий экосистемалар тупроқларининг 10-20 см гача бўлган қатламларида коллемболалар кўплаб учраши, яъни ҳар 1 м² да ўртача буғдой агроценозида 800 экз; ғўза агроценозида 530 экз, беда агроценозида 1140 экз; табиий экосистема тупроқларида эса 900 экз учраши кузатилди. 0-10 см гача бўлган тупроқ қатламларида эса бошқа қатламларига нисбатан камроқ учраши кузатилди.

Қиш фаслида Паркент ва Бекобод туманлари агроценозлари ва табиий экосистемалари тупроқ қатламларида коллемболалар миқдори. Қиш фаслида коллемболаларнинг Паркент ва Бекобод туманлари буғдой ва олмазор агроценозлари ҳамда табиий экосистемаларининг 0-30 см тупроқ қатламларида 1 м² да ўртача 1683 экз учраши аниқланди. Декабр ва феврал ойларида ушбу туманлар буғдой ва олмазор агроценозлари ҳамда табиий экосистемалари тупроқларининг 10-20 см гача бўлган қатламларида коллемболалар кўплаб учраши, яъни ҳар 1 м² да ўртача буғдой агроценозида - 1700 экз, олмазор - 2550 экз., табиий экосистема тупроқларида эса 2500 экз. учраши кузатилди. 0-10 см гача бўлган тупроқ қатламларида эса бошқа қатламларига нисбатан камроқ учраши кузатилди.

Баҳор фаслида Ангрен ва Олмалик ҳудудлари агроценозлари ва табиий экосистемалари тупроқ қатламларида коллемболалар миқдори. Ушбу ҳудудлар агроценозлари ва табиий экосистема тупроқларининг 0-30 см гача бўлган қатламларида 1 м² да ўртача буғдой далаларида апрел ойида 1500 экз., майда - 6400 экз., беда агроценози тупроқ қатламларида апрел ойида 1 м² да ўртача 2800 экз., майда эса 7600 экз.; ғўза агроценозларининг 0-30 см қатламларида апрел ойида 1 м² да ўртача 5000 экз., май ойида 7200 экз.; табиий экосистемалар тупроқларининг 0-30 см қатламларида апрел ойида 1 м² да ўртача 12400 экз., май ойида эса - 9700 экз. учраши аниқланди.

Баҳор фаслида яъни апрел-май ойларида тупроқнинг 10-20 см гача бўлган қатламларида коллемболалар кўплаб учраши, яъни ҳар 1 м² да ўртача буғдой далаларида апрел ойида 800 экз., май ойида эса 2700 экз.; беда далаларида апрел ойида 1500 экз., май ойида эса 3200 экз.; ғўза агроценози тупроқларининг 10-20 см қатламларида апрел ойида 2400 экз., май ойида эса 3100 экз.; табиий экосистема тупроқларининг 10-20 см қатламларида апрел ойида 8300 экз., май ойида эса 4400 экз. коллемболалар учраши кузатилди. 0-10 см гача бўлган тупроқ қатламларида эса бошқа қатламларига нисбатан камроқ учраши ҳамда апрел ойига нисбатан май ойида коллемболалар кўпроқ учраши кузатилди.

Баҳор фаслида Паркент ва Бекобод туманлари агроценозлари ва табиий экосистемалари тупроқ қатламларида коллемболалар миқдори. Баҳор мавсумида коллемболаларнинг Паркент ва Бекобод туманлари буғдой

ва олмазор агроценозлари ҳамда табиий экосистемаларининг 0-30 см тупроқ қатламларида 1 м² да ўртача 7066 экз учраши аниқланди.

Апрел ва май ойларида буғдой ва олмазор агроценозлари ҳамда табиий экосистемалари тупроқларининг 10-20 см гача бўлган қатламларида коллемболалар кўплаб учраши, яъни апрел ойида ҳар 1 м² да ўртача буғдой агроценозида 1600 экз, май ойида 1600 экз; олмазор агроценозида апрелда 1 м² да ўртача - 2400 экз., майда-3100 экз; табиий экосистемалар тупроқларида 1 м² да ўртача-9000 экз., майда - 4800 экз. учраши кузатилди. 0-10 см гача бўлган тупроқ қатламларида эса бошқа қатламларига нисбатан камроқ учраши кузатилди.

Ёз фаслида Ангрен ва Олмалик ҳудудлари агроценозлари ва табиий экосистемалари тупроқ қатламларида коллемболалар миқдори. Ушбу ҳудудлар агроценозлар ва табиий экосистема тупроқларининг 0-30 см гача бўлган қатламларида 1 м² да ўртача буғдой далаларида июль ойида 7300 экз, августда - 6100 экз; беда агроценозида июлда - 7800 экз., август ойида эса - 7300 экз.; ғўза агроценозларининг 0-30 см қатламларида июл ойида 1 м² да 6540 экз, августда эса - 7500 экз.; табиий экосистемалар тупроқларининг 0-30 см қатламларида эса июл ойида 1 м² да 8000 экз, август ойида - 9700 экз. учраши аниқланди.

Ёз фаслида яъни июль-август ойларида тупроқнинг 20-30 см гача бўлган қатламларида коллемболалар кўплаб учраши, яъни ҳар 1 м² да ўртача буғдой далаларида июль ойида 4100 экз, август ойида эса 3200 экз; беда далаларида июль ойида 4200 экз, август ойида эса 3600 экз; ғўза агроценози тупроқларининг 20-30 см қатламларида июль ойида 3900 экз, август ойида эса 3400 экз. Табиий экосистема тупроқларининг 10-20 см қатламларида июль ойида 4200 экз, август ойида эса 4600 экз коллемболалар учраши кузатилди.

0-10 см гача бўлган тупроқ қатламларида эса бошқа қатламларига нисбатан камроқ учраши ҳамда буғдой ва беда агроценозларида август ойига нисбатан июль ойида, ғўза агроценозлари ва табиий экосистемалар тупроқларида июль ойига нисбатан август ойида коллемболалар кўпроқ учраши кузатилди.

Ёз фаслида Паркент ва Бекобод туманлари агроценозлари ва табиий экосистемалари тупроқ қатламларида коллемболалар миқдори. Ёз мавсумида коллемболаларнинг Паркент ва Бекобод туманлари буғдой ва олмазор агроценозлари ҳамда табиий экосистемаларининг 0-30 см тупроқ қатламларида 1 м² да ўртача 5450 экз учраши аниқланди.

Ёз фаслида яъни июль ва август ойларида ушбу туманларни буғдой ва олмазор агроценозлари ҳамда табиий экосистемалари тупроқларининг 20-30 см гача бўлган қатламларида коллемболалар кўплаб учраши: июль ойида ҳар 1 м² да ўртача буғдой агроценозида 1400 экз, августда-800 экз; олмазор агроценозида июль ойида ҳар 1 м² да ўртача 2800 экз., августда - 2600 экз.; табиий экосистемалар тупроқларида июль ойида ҳар 1 м² да ўртача 4800 экз, августда - 4000 экз. учраши кузатилди.

Куз мавсумида Ангрен ва Олмалик ҳудудлари агроценозлари ва табиий экосистемалари тупроқ қатламларида коллемболалар миқдори.

Тошкент вилояти Ангрен ва Олмалик ҳудудлари агроценозлар ва табиий экосистема тупроқларининг 0-30 см гача бўлган қатламларида 1 м² да ўртача буғдой далаларида октябрь ойида 4600 экз, ноябрь ойида 9000 экз, беда агроценози тупроқ қатламларида октябрь ойида 1 м² да ўртача 7700 экз, ноябрь ойида эса 4100 экз; ғўза агроценозларининг 0-30 см қатламларида октябрь ойида 1 м² да ўртача 4000 экз, ноябрь ойида 7700 экз, табиий экосистемалар тупроқларининг 0-30 см қатламларида октябрь ойида 1 м² да ўртача 4100 экз, ноябрь ойида эса 1 м² да ўртача 8100 экз учраши аниқланди.

Куз фаслида яъни октябрь-ноябрь ойларида тупроқнинг 10-20 см гача бўлган қатламларида коллемболалар кўплаб учраши, яъни ҳар 1 м² да ўртача буғдой далаларида октябрь ойида 1600 экз, ноябрь ойида эса 4800 экз; беда далаларида октябрь ойида 3800 экз, ноябрь ойида эса 1500 экз; ғўза агроценози тупроқларининг 10-20 см қатламларида октябрь ойида 1500 экз, ноябрь ойида эса 3800 экз; Табиий экосистема тупроқларининг 10-20 см қатламларида октябрь ойида 1500 экз, ноябрь ойида эса 4000 экз коллемболалар учраши кузатилди. 0-10 см гача бўлган тупроқ қатламларида эса бошқа қатламларига нисбатан камроқ учраши учраши кузатилди.

Куз фаслида Паркент ва Бекобод туманлари агроценозлари ва табиий экосистемалари тупроқ қатламларида коллемболалар миқдори. Куз мавсумида коллемболаларнинг Паркент ва Бекобод туманлари буғдой ва олмазор агроценозлари ҳамда табиий экосистемаларининг 0-30 см тупроқ қатламларида 1 м² да ўртача 7733 экз учраши аниқланди.

Куз фаслида яъни октябрь ва ноябрь ойларида Паркент ва Бекобод туманлари буғдой ва олмазор агроценозлари ҳамда табиий экосистемалари тупроқларининг 10-20 см гача бўлган қатламларида коллемболалар кўплаб учраши, яъни октябрь ойида ҳар 1 м² да ўртача буғдой агроценозида 4000 экз, ноябрь ойида 3500 экз; олмазор агроценозида октябрь ойида ҳар 1 м² да ўртача 3600 экз, ноябрь ойида 3800 экз; табиий экосистемалар тупроқларида октябрь ойида ҳар 1 м² да ўртача 7600 экз, ноябрь ойида 8300 экз учраши кузатилди.

Шундай қилиб, Ўзбекистоннинг шимоли-шарқий ҳудудлари беда, буғдой, ғўза, олмазор агроценозлари ва табиий экосистемалари тупроқ қатламларининг 30 см. гача бўлган қатламларида коллемболалар миқдорининг фасллар бўйича динамикасини ўрганиш натижасида қуйидагича хулосага келиш мумкин. Коллемболаларнинг миқдори фасллар бўйича ўрганилганда уларнинг мавсумий динамикасини юқори даражаси баҳор ва куз фаслларида кузатилди. Тупроқ қатламлари бўйича ўрганилганда тупроқнинг ўрта (10-20 см) қатламида коллемболаларнинг миқдори максимал даражада кузатилди. Коллемболалар баҳор ва куз фаслларида агроценозлар ва табиий экосистемалар тупроқларининг 10-20 см қатламларида 1 м² да ўртача баҳор фаслида 3558 экз, куз фаслида 3298 экз учраши аниқланди. Тупроқнинг ҳар-хил қатламларидан аниқланган коллемболалар фаунасининг мавсумий динамикасини ўзгариши асосан намлик ва тупроқнинг структурасини ўзгариши билан боғлиқ. Агроценозлар ва табиий экосистемалар тупроқ қатламларида коллемболалар учраш динамикаси бир-

биридан кам фарқланди. Буларнинг барчаси тадқиқот ўтказилган ҳудудларда коллемболалар тупроқнинг турли қатламларида фаол ҳаёт кечиришга мослашганлигидан далолат беради.

Диссертациянинг «Коллемболаларнинг гидрофил ва мезофил шароитларга мослашув хусусиятлари» номли олтинчи бобида коллемболаларнинг яшаш тарзига қараб морфологик мослашганлиги, уларнинг тўшалмада ва тупроқнинг ҳар хил қатламларида яшашига қараб танасининг ва ҳаракат органларининг ўзгариши тўғрисида маълумотлар келтирилган (4-жадвал).


4-жадвал

Коллемболаларнинг яшаш шакллари бўйича гуруҳлари

№	Гуруҳлар	Кичик гуруҳлар	Турлар сони
1	Тупроқнинг юзасида ва тўшалма устида яшовчи турлар	1. Атмобионтлар	2
		2. Тупроқ тўшалмасининг устки қисмида яшовчи коллемболалар	18
		3. Нейстонлар	1
		4. Қурғоқчиликка мослашган коллемболалар	2
2	Гемиздафик	1. Ўсимликлар тўшалмаси остида яшовчи коллемболалар	2
		2. Ўсимликлар тўшалмаси остида ва тупроқда яшовчи коллемболалар	3
3	Эуэдафон, яъни фақат тупроқда яшайдиган коллемболалар	1. Тупроқнинг юқори қатламларида яшовчи коллемболалар	15
		2. Тупроқнинг қуйи қатламларида яшовчи коллемболалар	5
